

СУВ – ҲАЁТ:
УНИ БУГУН ТЕЖАСАК, ЭРТАГА ЯШАЙМИЗ

ЖАМИЯТ

№ 31-32-33
(1000)
2026 йил
27 август,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

МАЪРИФАТНИНГ МУНАВВАР МАНЗИЛИ

МИЛЛАТ ЮКСАЛИШИНИНГ БУЮК ТАЯНЧИ

ЖАМИЯТ

2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



СУВ — ҲАЁТ:

УНИ БУГУН ТЕЖАСАК, ЭРТАГА ЯШАЙМИЗ

Сув иқтисодий тараққиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик барқарорликнинг асосий кафолатидир. Бугунги кунда иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ортиши ҳамда сув ресурсларига бўлган талабнинг тобора ошиб бориши бу бебаҳо неъматдан оқилона фойдаланишни жаҳон миқёсидаги стратегик масалага айлантирмоқда. Шу боис сув ресурсларини самарали бошқариш эндиликда нафақат аграр соҳанинг, балки миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда.

Трансчегаравий сув ресурсларига боғлиқ Ўзбекистон учун сувдан оқилона фойдаланиш стратегик аҳамиятга эга. Шу боис Янги Ўзбекистонда ирригацияни модернизация қилиш, тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва сув ресурсларини самарали бошқаришга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар сув хавфсизлиги, озиқ-овқат барқарорлиги ва барқарор тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва сув хўжалиги тизимини модернизация қилишга қаратилган ташаббуслар Янги Ўзбекистонда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берди. “Мамлакатимизда сувнинг қарийб 90 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилади ва ирригацияни ислоҳ қилиш бизнинг стратегик мақсадларимиздан бири ҳисобланади”, деган ёндашув бугунги кунда рақамлаштириш, инфратузилмани янгилаш ва сувдан самарали фойдаланишга қаратилган ислоҳотларнинг асосий тамойилига айланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон сув хўжалиги соҳаси иқтисодий ва институционал жиҳатдан мураккаб шароитда ривожланди. Янги давлатчилик тизимини шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш ва молиявий имкониятларнинг чекланганлиги шароитида устувор вазифа ирригация ва мелиорация тизимларининг барқарор ишлашини таъминлаш, гидротехника иншоотларини сақлаб қолиш ҳамда қишлоқ хўжалигини узлуксиз сув билан таъминлашдан иборат бўлди. Шу мақсадда сув омборлари, насос станциялари, магистрал каналлар ва коллектор-дренаж тармоқларининг ишончли фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

2017 йилдан бошлаб сув хўжалигини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Асосий эътибор инфратузилмани комплекс модернизация қилиш, сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш, рақамли технологиялар ва сув тежамкор усулларни кенг жорий этиш, бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилди. Шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳамкорлар иштирокида инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, тармоққа илғор муҳандислик ечимлари ва замонавий бошқарув технологиялари татбиқ этилди.

Натижада сув хўжалиги анъанавий хизмат кўрсатувчи тармоқдан мамлакатнинг сув, озиқ-овқат, экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи стратегик соҳага айланди. Бу эса сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув йўқотишларини қисқартириш ва тармоқни инновацион ҳамда рақамли асосда ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Соҳада амалга оширилган ўзгаришларнинг ҳуқуқий ва стратегик асоси сифатида Президентнинг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур Концепция сув хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилаб бериб, сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш, сув ҳисобини рақамлаштириш, ирригация ва мелиорация тизимларини модернизация қилиш, сув тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш ҳамда соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини оширишни устувор вазифалар сифатида белгилади. Энг муҳими, мазкур Концепция сув хўжалигини инновациялар ва рақамли технологияларга асосланган замонавий ривожланиш моделига ўтказиб, сув хавфсизлиги ва барқарор иқтисодий тараққиёт учун мустаҳкам асос яратди.

Янги Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда тармоқнинг барча асосий жараёнларини ўзаро боғлайдиган ягона “Рақамли сув хўжалиги” платформаси жорий этилди. Ушбу тизим до-







ирасида 600 мингдан ортиқ сувдан фойдаланувчилар ҳамда 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган ер майдонларини қамраб олган ягона рақамли маълумотлар базаси шакллантирилмоқда. Бу нафақат сув ресурслари ҳаракатини аниқ ҳисобга олиш ва тақсимлашни таъминламоқда, балки қарор қабул қилиш жараёнини маълумотларга асосланган бошқарув тамойиллари асосида ташкил этиш, соҳада очиқлик ва шаффофликни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Рақамли трансформациянинг яна бир муҳим йўналиши сифатида “Smart Water” технологиялари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Замонавий интеллектуал қурилмалар сув сарфини реал вақт режимида кузатиш, сув йўқотишларини тезкор аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Шу билан бирга, янги ташкил этилган “Вазиятлар маркази” сув тақсимотини масофадан туриб мониторинг қилиш, таҳлил қилиш ва тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ягона мувофиқлаштирувчи марказига айланди. Бу эса инсон омилининг таъсирини камайтириш, бошқарув тезкорлиги ва аниқлигини ошириш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда сув тежамкор технологияларни кенг жорий этиш соҳадаги энг муҳим амалий натижалардан бири бўлди. Агар 2017 йилга қадар ушбу технологиялар 4,3 миллион гектар суғориладиган ерларнинг ҳатто 1 фоизига ҳам татбиқ этилмаган бўлса, бугунги кунга келиб улар 2,6 миллион гектар, яъни суғориладиган майдонларнинг 60 фоиздан ортиқ қисмида қўлланилмоқда. Бу қисқа вақт ичида эришилган юқори натижа бўлиб, мамлакатда сув ресурсларини бошқаришга бўлган ёндашув тубдан ўзгарганини кўрсатади. Энг муҳими, мазкур технологиялар сув сарфини қисқартириш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва иқлим ўзгариши таъсирига мослашиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бу борада белгиланган истиқболли вазифалар ҳам аниқ иқтисодий ва экологик мақсадларга қаратилган. Хусусан, сув тежамкор технологияларни барча суғориладиган майдонларда жорий этиш ҳамда ҳар йили камида 5 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш режалаштирилган. Ушбу вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши сув ресурсларига бўлган босимни камайтириш, қишлоқ хўжалигида барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш ва мамлакатнинг сув хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сув ресурсларини тежашда инфратузилмани модернизация қилиш ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда ирригация тармоқларини бетонлаштириш ишлари жадаллаштирилиб, уларнинг қамрови 40 фоизга етказилди.

Каналларни бетонлаштириш, рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш ва сув тежамкор агротехнологияларни қўллаш ҳисобига ҳар йили 10 миллиард куб метрга яқин сув иқтисод қилинишига эришилмоқда. Бу мамлакатнинг йиллик 50–52 миллиард куб метр сув истеъмолининг қарийб бешдан бир қисмига тенг бўлган ресурсни сақлаб қолиш имконини бермоқда. Бундай натижа нафақат сув хавфсизлигини мустаҳкамлаш, балки қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва сув танқислиги шароитида иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолияти учун мустаҳкам замин яратаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Рақамлаштириш, сув тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва ирригация инфратузилмасини модернизация қилишнинг ўзаро уйғун ҳолда амалга оширилиши сув хўжалигини ривожлантиришнинг мутлақо янги моделини шакллантирмоқда. Ушбу модель ҳар бир томчи сувдан самарали фойдаланиш, сув йўқотишларини минималлаштириш ва чекланган сув ресурсларини келгуси авлодлар учун асраб қолишга қаратилган узоқ муддатли стратегик ёндашувга асосланади. Натижада сув ресурсларини бошқариш тизимида самарадорлик, барқарорлик ва рақамли бошқарув тамойиллари тобора мустаҳкам қарор топмоқда.

Авазбек ХОЛБЕКОВ,
Барқарор ривожланиш маркази бўлим бошлиғи





МАНСАБДОР ШАХСЛАР УСТИДАН САМАРАЛИ СУД НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛАДИ

Барчамизга маълумки, айнан суд ҳокимияти ҳар қандай демократик давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоясига қаратилган механизмнинг “мотори” ҳисобланади.

Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган барча йўналишдаги ислоҳотларнинг марказида инсон омили турибди. Президент томонидан 2026 йил 14 август имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий ва маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар ва тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ушбу судларнинг ролини янада оширишга қаратилган.

Дунё амалиётида, судга ҳурматсизлик қилиш институти орқали суд жараёни ва нуфузи қатъий ҳимоя қилинади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180 ва 181-моддаларида, судга ҳурматсизлик қилиш ва суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу модда билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни жиноят, фуқаролик ва иқтисодий судлар кўришлари мумкинлиги белгиланганди. Янги Қонун билан, маъмурий судларга маъмурий ишларнинг муҳокамасига чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш кодексида, маъмурий орган мансабдор шахси ёки унинг вакили судга келмаган тақдирда, суднинг ҳаракатлари белгиланмаганди.

Эндиликда, яъни Ўзбекистон Республикаси МСИЮКга киритилган янги 148-моддага кўра, маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан берилган ариза (шикоят)ни кўришда мансабдор шахснинг ёки унинг вакилининг суд мажлисида иштироки мажбурий ҳисобланади ҳамда уларнинг суд мажлисида иштирок этмаганлиги суд томонидан узрли деб топилмаган тақдирда, суд мансабдор шахсга нисбатан суд жаримасини қўллашга ҳақли бўлади.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, мазкур қонун фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун судларга мурожаат қилишда янада қулай шарт-шароитга яратишга, судлар фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг устидан самарали суд назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Ш. БАХТИЁРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят Деҳқонобод туман суди раиси

ЖАМИЯТ

2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



МИЛЛАТ ЮКСАЛИШИНИНГ БУЮК ТАЯНЧИ

Мустақиллик... Бу сўз замирида не-не авлодларнинг орзуси, не-не аждодларнинг армони, халқнинг озод ва фаровон ҳаёт ҳақидаги эзгу ниятлари мужассам. Мустақиллик — шунчаки давлатнинг сиёсий мақоми эмас. У миллатнинг ўзлигини англаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихини тиклаш, қадриятларини асраш ва келажагини бунёд этиш ҳуқуқидир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллиги — халқимиз ҳаётидаги улкан тарихий сана. Бу қутлуғ айём бизни бир томондан ўтган йилларга назар ташлаб, босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилишга ундаса, иккинчи томондан, келажак ҳақида жиддий мушоҳада юритишга чорлайди.

Аждодларимиз тарихига назар ташласак, юртимиз ҳудудида буюк давлатлар, илм-фан ва маданият марказлари шаклланганига гувоҳ бўламиз. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз каби қадимий шаҳарлар жаҳон цивилизациясининг муҳим ўчоқлари бўлган.

Истиқлол йилларида халқимизнинг ўз тарихига, миллий қадриятларига ва маънавий меросига муносабати тубдан ўзгарди. Авваллари етарлича ўрганилмаган ёки халқимизга тўлиқ етказилмаган кўплаб тарихий манбалар, илмий ва адабий мерослар қайта кашф этилди. Аждодларимизнинг номлари тикланди. Тарихий обидалар таъмирланди. Миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қайта жонланди. Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари каби қадриятларимиз халқ ҳаётида муносиб ўрин эгаллади.

Буларнинг барчаси битта буюк ҳақиқатни кўрсатади: Ўз тарихини билган халқгина ўз келажагини ишонч билан қура олади. Шу жиҳатдан мустақилликни маънавий уйғониш даври, деб аташ мумкин.

Миллий ўзлик ҳақида гап кетганда, энг аввало, она тилимиз ҳақида сўз юритиш табиий. Чунки тил — миллатнинг руҳидир. Халқнинг тарихи, дунёқараши, тафаккури, орзу-умидлари ва ҳаёт тарзи унинг тилида акс этади. Ўзбек тили асрлар давомида буюк адиблар, шоирлар ва мутафаккирларнинг ижодида сайқалланиб, бугунги бой ва гўзал тилимизга айланди. Алишер Навоийнинг “Хамса”си, Бобурнинг “Бобурнома”си, Абдулла Қодирийнинг романлари, Чўлпон ва Фитрат ижоди — она тилимизнинг улкан имкониятларини намоён этувчи бебаҳо маънавий хазинадир.

Бугунги кунда давлат тараққиёти ҳақида гапирганда кўпинча иқтисодий ўсиш, замонавий технологиялар, янги корхоналар, йўллар ва бинолар ҳақида фикр юритамиз. Булар, албатта, тараққиётнинг муҳим кўрсаткичлари. Аммо жамиятнинг ҳақиқий юксалиши фақат моддий бойлик билан ўлчанмайди. Маънавияти юксак жамиятгина барқарор тараққиётга эриша олади. Маънавият — инсоннинг ички дунёси. У ҳалолликда, виждонда, меҳр-оқибатда, каттага ҳурмат, кичикка иззатда, Ватанга садоқатда, илмга интилишда намоён бўлади.

Бугунги глобаллашув шароитида бу масаланинг аҳамияти янада ортмоқда. Чунки ёшларимиз дунёнинг исталган нуқтасидаги ахборотга бир неча сонияда эга бўлиши мумкин. Интернет — улкан имконият. Аммо у билан бирга катта масъулият ҳам келади. Шундай шароитда ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли — уларнинг онгини чеклаш эмас, билимини, тафаккурини ва маънавий иммунитетини кучайтиришдир.

Дунё жуда тез ўзгармоқда. Кеча хаёлимизда ҳам бўлмаган технологиялар бугун ҳаётимизнинг бир қисмига айланмоқда. Сунъий интеллект, робототехника, рақамли иқтисодиёт, биотехнология, космик технологиялар — буларнинг барчаси инсоният тараққиётининг янги босқичини бошлаб бермоқда. Бундай шароитда Ўзбекистоннинг келажаги ҳам бевосита илм-фан ва инновацияга боғлиқ. Биз ёшларимизга “Яхши ўқи!” дейиш билан чекланмаслигимиз керак. Уларга “Излан! Савол бер! Янгилик ярат! Дунё билан рақобат қил!”деган руҳни сингдиришимиз лозим. Чунки бугунги дунёда тайёр билимли бўлишнинг ўзи етарли эмас. Янги билим яратиш қобилияти давлатларнинг энг катта стратегик устунлигига айланмоқда.


Ўқитувчи ўз касбига масъулият билан ёндашса — бу мустақилликка хизмат. Талаба сидқидилдан билим олса — бу мустақилликка хизмат. Олим янги илмий кашфиёт қилса — бу мустақилликка хизмат. Санъаткор миллий маданиятни тарғиб қилса — бу мустақилликка хизмат. Тадбиркор ҳалол меҳнат қилиб, янги иш ўринлари яратса — бу мустақилликка хизмат. Ота-она фарзандини яхши инсон қилиб тарбияласа — бу ҳам мустақилликка хизмат.

Демак, Ватан тараққиёти узоқ ва мавҳум тушунча эмас. У ҳар биримизнинг кундалик меҳнатимиздан бошланади.

Мустақилликнинг 35 йиллиги — ўтган йўлга шунчаки назар ташлайдиган сана эмас. Бу — ўзлигимизни англаш, бугунги имкониятларимизни қадрлаш ва келажак авлод олдидаги бурчимизни яна бир бор ҳис этиш фурсатидир.

Марғуба ҚОДИРОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

ЖАМИЯТ
2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)


ДУАЛ ТАЪЛИМ НИМА?

Бир замонлар дунёнинг энг номдор университетлари билан илмий-педагогик ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг таълим тизимию, илм-фан ютуқларидан ҳам бехабар эдик. Шу боис университетимиз профессор-ўқитувчи ва талабалари собиқ иттифоқ олий ўқув юртларидан нари ўтолмас эдилар.



Қаранг, кўз юмиб-очгунча Ўзбекистон дунёга, дунё Ўзбекистонга очилиб, мамлакатимизнинг барча соҳалари қатори таълим ҳам ғоят қисқа вақт ичида туб ўзгаришларга юз тута бошлади.

Вақти келиб республикамизда 102 та давлат, 74 та хусусий ва 32 та хорижий давлатлар олий ўқув юртлари фаолият кўрсатиши, уларда бир миллион 600 мингдан зиёд йигит-қизлар таҳсил олиши кимнинг хаёлига келибди? Шунингдек, ЮНЕСКО статистика институтининг маълумотига қараганда бугунги кунда чет эл олий ўқув юртларида 150 минг 500 га яқин Ўзбекистон ёшлари турли йўналишлар бўйича таълим олишмоқда. Бу мамлакатимиз равнақининг янги-янги уфқларини кашф этадиган эртанги билимдон, ақл-заковатли бунёдкорлари эмасми? Бундай рақамлар кимни қувонтирмайди, кимнинг қалбини фахр туйғуларига тўлдирмайди? Бугун ўғли Францияда ўқиётганини, қизи Германияда таҳсил олаётганини, яна бирининг ўғли АҚШ университетини битириб келганини ғурур билан гапирадиган ота-оналар камми? Ёки менинг қизим Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқ йўналишини танлаб, 186 балл билан талаба бўлди. Мақсади Хадича Сулаймоновадек адолатпарвар ҳуқуқшунос бўлиш. Менинг қизим ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлишни орзу қилиб, шу қутлуғ даргоҳни танлади. 182 балл йиғиб, талаба деган номга эришди. Менинг ўғлим журналистикага меҳр қўйган. 178 балл билан Миллий университет талабаси бўлди, деган хушхабарни эшитган киши хуранд бўлмайдими, уларга ҳаваси келмайдими?!

Мана сизга энг улуғ, энг азиз неъмат – Мустақилликнинг улкан имкониятларидан бири. Албатта, бундай юксалиш Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таълимга бўлган доимий эътибори ва ғамхўрлигининг самараси сифатида йил сайин кенг қулоч ёзиб, янгича замонавий мазмун касб этиб бормоқда. Бу эса олий таълим соҳаси раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари зиммасига давр талабига жавоб берадиган юқори малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани виждонан ва ҳалол бажаришни тақозо этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 январдаги “Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 24 августдаги 367-сонли буйруғи асосида дуал таълимини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети томонидан тайёрланган 4+1 дастури асосида журналистика ва филология йўналишларида таҳсил олаётган талабалар 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб, ҳафтанинг бир кунини амалиётда ўтказадилар. Демак, талаба беш кунлик ўқишнинг тўрт кунида назарий билим олиб, бир кунини малакавий ва педагогик амалиётда ўтказади.

Журналистика йўналиши бўйича билим олаётган талабалар малакавий амалиётни Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази (Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар хизмати) ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, шуниндек газета ва журналлар ҳамда нашриётлар таҳририятларида малкавий амалиётни, Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Филология ва тилларни ўрганиш, ўзбек тили ва адабиёти, матншунослик ва адабий манбашунослик йўналиши) тасарруфидаги ўқув муассасаларида педагогик амалиётни ўтайдилар. Ҳар икки йўналишда ҳам амалиёт шартнома асосида олиб борилади.

Дуал таълим нима? Дуал таълим – талабалар ўқув машғулотларининг назарий қисмини олий таълим ташкилотида, амалий қисмини корхонада ўтказишларини назарда тутган ўқитиш усули.

Дуал таълимдан кўзда тутилган асосий мақсад қуйидагилардан иборат: Биринчидан, талаба ўқиш жойида олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиб, ўзида иш кўникмасини шакллантиради.

Иккинчидан, назарий билимларни чуқур ўрганиш масъулияти ортади.

Учинчидан, эгаллаётган соҳасининг янгиликларига бўлган қизиқиш ва интилиши кучаяди.

Тўртинчидан, изланиш, ижодкорлик ва ташаббускорлик фазилатлари бўй кўрсатиб, қанот ёза бошлайди.

Дуал таълим жараёни ривожланган сайин унинг талаб ва имкониятлари ҳам кенгайиб бораверади. Бугун талаба ҳафтанинг тўрт кунида назарий билим олиб, бир кунида амалиётда бўлса, келгусида унинг иш жойидаги вақти яна бир кунга узайиши мумкин. Хуллас, талаба тўрт йиллик амалиёти даврида ўз иш жойида нималарга қодирлигини намоён этиб, жамоанинг ишончини, ҳурмат ва эътиборини қозонса, доимий иш жойига эга бўлиши шак-шубҳасиздир.

Музаффар ЧОРШАНБИЕВ,
ЎзМУ Журналистика ва ўзбек филологияси факультети декани.

Абдинур САИДОВ,
Ўқув ва амалиёт ишлари бўйича декан ўринбосари.





ЖАМИЯТ
2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



МАЪНАВИЙ СОҲА ТУРҒУНЛИКНИ ХУШЛАМАЙДИ

Глобаллашув ва интеграция жараёни халқлар, маданиятларни бирлаштирди, ўзаро чегараларни очиб, цивилизацияларараро мулоқотга қулай шароит яратди. Аммо “Ҳар яхшининг бир ёмони бор” деганларидек, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожи, тезкор маълумотларни тўлиқ тақиқлашнинг техник имконсизлиги радикал ҳаракатлар, экстремистик мафкуралар тарғиботи ҳамда “оммавий маданият” отлиқ ғайриахлоқий тенденцияларнинг кенг тарқалишига йўл очмоқда.

Интернет тармоғида салмоғи тобора ортиб бораётган кўнгилочар контент халқимизнинг маънавияти, анъаналари ҳамда диний қадриятларига мос бўлмас экан, ёш авлоднинг онгини заҳарлаши, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар.

Замонавий жамият олдида турган жиддий муаммолардан бири – аҳолининг миллий қадриятлар ва анъаналарига асосланган ҳаёт тарзи, дунёқарашининг шаклланиши билан боғлиқ. Молиявий танглик, иқтисодий қашшоқликни кенг кўламли ислоҳотлар ва моддий кўмак воситасида тезкор ҳал этиш механизмлари мавжуд. Бироқ маънавий қашшоқликни бартараф этиш – хийла мураккаб вазифа. Ушбу муаммога йиллар давомидаги ислоҳотлар, таълим-тарбия ва маърифат кучи, маънавий қадриятларга садоқат орқалигина ечим топиш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”.

Ҳар қандай ислоҳот – хоҳ у сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, хоҳ маънавий соҳаларда бўлсин, давлат ва жамиятдан катта эътибор, изчил саъй-ҳаракатлар, улкан маблағ ва энг асосийси – сабр-матонат ва фурсатни талаб қилади. Халқимиз, ёшларимиз дунёқарашини шакллантиришда маънавий соҳанинг муҳим аҳамиятини инобатга олган ҳолда, мазкур соҳадаги ёндашувларимизни ўзгартириш керак, назаримизда. Аввало, маънавий, маърифий соҳада турғунликдан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

Маънавият ва маърифат соҳасида узоқ йиллар фаолият юритган устозларимиз бисёр. Тўғри, уларнинг меҳнати, фаолияти, ютуқлари таҳсинга сазовор. Айни чоқда, бугунги кун маънавият соҳаси, таълим ва тарбия янгича ёндашувларни, давр чақириқлари ва талабларига мос илғор ёндашувларни талаб этаётганини унутмаслик керак. Зеро, бугун эски қолипдаги амалиёт, сийқаси чиққан шиорлар билан маънавий дунёқарашни ўзгартириш, шакллантиришга уриниш самара бермайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда таълим-тарбия, ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий соҳани такомиллаштиришга давлат миқёсида катта эътибор қаратилаётир. Шу билан бирга, замон чақириқлари давлатни аҳолининг барча қатламлари билан жиддий ишлашга, хусусан, ёшлар онги ва дунёқарашини муҳофаза этишга улкан аҳамият қаратишга ундамоқда. Мамлакатда иқтисодий, ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб бориш – давлатнинг бирламчи ва устувор сиёсати бўлса, маънавий-маърифий соҳа уни тўлдирувчи, бойитувчи омилга айланмоғи лозим. Зеро, иқтисодий жиҳатдан гуркираб ривожланаётган жамият аҳолиси, хусусан, ёшлар маънавиятли, тарбияли бўлмас экан, қилинган саъй-ҳаракатлар ҳавога соврилиши ҳеч гап эмас.

Юртимизда экология, табиатни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилиб, алоҳида вазирлик ташкил этилди. Ушбу вазирликка кенг ваколатлар берилиб, тегишли маблағ ажратилди, экология соҳасида мутахассис ҳозирлайдиган алоҳида университет очилди. Буларнинг ҳаммаси мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган мутасаддиларнинг саъй-ҳаракати, вазиятни теран билиши, ўз ишига жиддий ёндашуви, зарур воситаларни талаб қила олиши натижасидир.

Экология соҳасидаги янгиланиш, таъбир жоиз бўлса, ребрендинг жараёни соҳани ривожлантиришнинг истиқболли босқичларига йўл очди. Ана шундай ислоҳотларни маънавий-маърифий соҳада ҳам амалга ошириш керак. Фидойи зиёлилар, заҳматкаш устозлар меҳнатини рад этмаган ҳолда айтиш керакки, маънавий-маърифий соҳага “янги қон” олиб кириш, янгича ғоялар, ёндашувлар, таъсирчан тарғибот механизмларини яратиш вақти келди. Ахборот-коммуникация технологиялари даврида оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали янгича тарғибот технологияларини йўлга қўйиш, ёшлар дунёқарашини ўстириш учун оҳорли контентларни яратиш зарур.

Тарбияни фарзанд бешикдаги чоғидан бошлаш керак, деган пурмаъно нақл бор халқимизда. Адлкомат бўлиб ўсиши учун эндигина бўй чўзаётган навниҳолга шакл бериш мумкин, аммо танаси қувватга тўлиб, илдизи сувга етган оғочга ҳар қанча ишлов берманг – фойдаси йўқ. Худди шу каби суяги қотган фарзандларимизни тарбиялашга ҳар қанча уринмайлик, уларнинг онгини ўзгартириш амримаҳолдир. Демак, гўдаклик чоғиданоқ боланинг маънавияти, дунёқарашини шакллантиришга эътибор қаратиш, ҳақни танитиш, ота-онага, устозга, халққа, Ватанга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш оқилона йўлдир. “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир” деганларидек, болалик чоғида берилган таълим-тарбия ва ўгитлар инсоннинг умрбод ҳамроҳига айланади.

Ёшлар, аввало, ота-онасига эътимод қўяди. Таҳлилларга кўра, етук инсонлар ота-она фарзандлари билан доимий мулоқот олиб борадиган, касбий юксалишига ёрдам берадиган, ўринли танқидий мулоҳазалар билдириб, дунёқарашини кенгайтирадиган оилалардан етишиб чиқади. Юксак билимли, маънавиятли инсонни тарбиялашда ўқитувчининг ҳам роли улкан, албатта.

Аждодлар илмий мероси бўлган нодир асарларни, халқимизнинг азалий қадриятлари, ислом тафаккури билан зийнатланган маънавиятни чуқур ўрганиш, ўргатиш орқали маърифатли жамият қуриш – бугунги куннинг устувор вазифасига айланди. Эскирган услуб, анъанавий ёндашув ва тадбирвозликлар билан соҳани ўзгартириб бўлмайди. Маънавий ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширадиган илғор тарғибот ва тарбия механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Глобал таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали вазиятда ғоявий-мафкуравий таъсирларни тўсиб қолувчи моддий чегаралар, деворлар қуриш имконсиз. Хатарларга фақатгина маънавият, маърифат ва замонавий таълим тизимини такомиллаштириш орқали қарши турмоқ мумкин. Аҳоли, хусусан, ёшларимиз онги, дунёқарашини диний фундаментализм, радикализм, экстремизм каби иллатлардан сақлашда, соғлом маънавий дунёқараш, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда таълим-тарбия ва маънавий-маърифий соҳани янада такомиллаштириш аҳамиятли. “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз”, деб таъкидлаган эди Президентимиз парламентга 2022 йилги мурожаатномасида. Бу шарафли, айни чоқда, мураккаб вазифадир.

Замонавий тараққиёт жаҳон аҳлининг жамият равнақига доир қарашларига таҳрир киритмоқда. Бугун маънавий соҳа шундай қудратга айландики, иқтисодий жиҳатдан тараққий топган жамиятлар маънавий-маърифий жабҳага кироий эътибор қаратмаса, тез фурсатда инқирозга учраши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Навқирон авлодни муносиб тарбиялаш, уларга Ватан, оила, тинчлик, осойишталик буюк неъмат эканини англатиш – маънавият аҳли, зиёлилар олдида турган улкан юмушлардандир.

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил”,

дейди ҳазрат Алишер Навоий. Маънавий-маърифий соҳа, таълим-тарбия жараёнларини ўзгартириш, ислоҳ этишни ҳар биримиз ўзимиздан бошламоғимиз даркор.

Сарваржон ҒАФУРОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор



ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

Юрт тинчлиги ва осойишталиги, аввало, Ватанга садоқатли, жисмонан бақувват, маънан етук авлодга боғлиқ. Ана шундай ёшларни тарбиялаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида камол топтиришда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўрни беқиёс.

Каттақўрғон тумани ўқув-спорт техника марказида ҳам бу борадаги ишлар изчил йўлга қўйилган. Марказда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спортга жалб қилиш билан бир қаторда, оммавий касбларга тайёрлаш ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун малакали ҳайдовчилар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказда спортнинг дуатлон тури ҳам ривожлантирилган. Яқинда ўтказилган вилоят миқёсидаги мусобақада марказ жамоаси фахрли 2-ўринни эгаллаб, ўзининг жисмоний тайёргарлиги ва иродаси билан муносиб натижа кўрсатди. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида ҳам марказ ёшлари 2-ўрин соҳиби бўлишди. Бу ютуқлар замирида тинимсиз машғулот, кучли ирода ва устозларнинг фидокорона меҳнати мужассам.

— Ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу билан бирга, уларга замонавий касбларни пухта эгаллашлари учун барча шароитларни яратишга интиламиз, — дейди марказ директори Собир Саидов.

Бугун марказда «В» ва «С» тоифадаги ҳайдовчилар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқариш бўйича 3-тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Бунинг учун марказда 10 га яқин замонавий, сўнгги русумдаги автомобиллар, жиҳозланган компьютер синфи, турли моделлар ва кўргазмали ўқув қўлланмалари мавжуд.

Бу ерда фаолият юритаётган 12 нафар ўқитувчи ва ўргатувчи устозлар ёшларнинг назарий билимларини амалий кўникмалар билан уйғунлаштиришга катта аҳамият қаратмоқда. Чунки ҳақиқий мутахассис нафақат билимли, балки ўз касбини амалда пухта эгаллаган бўлиши керак.

Марказдаги ҳар бир машғулот, ҳар бир спорт беллашуви ва ҳар бир ўқув жараёни ёшлар келажаги учун қўйилаётган муҳим қадамдир. Бугун спорт майдонида чиниқаётган, техника сирларини ўрганаётган йигит-қизлар эртага юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз мудофаасига муносиб ҳисса қўшадиган фидойи инсонлар бўлиб етишади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Жамият”

“БАЛИҚ ОВЛАШ ТЎРЛАРИ. ТЕХНИК ШАРТЛАР” МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ ТАСДИҚЛАНДИ



Балиқ овлаш воситаларидан фойдаланишда белгиланган талабларни таъминлаш, сув биоресурсларини муҳофаза қилиш ҳамда балиқ овлаш тўрларининг техник ва экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш мақсадида янги миллий стандарт ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 9-февралдаги 80-сон қарори ижросини таъминлаш доирасида, хусусан, саноат усулида балиқ овлаш учун рухсат этилган тўрларнинг миллий стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги “Экоҳудуд ва овчиликни ривожлантириш департаменти” давлат муассасаси томонидан O‘zMSt 945:2026 “Балиқ овлаш тўрлари. Техник шартлар” миллий стандарти ишлаб чиқилди.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 30-мартдаги 177-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ Ўзбекистон стандартлар институтининг 2026-йил 21-июлдаги 24/МСт-26-сон буйруғи билан тасдиқланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий стандартлар фондига киритилди.

Стандартда саноат усулида балиқ овлаш тўрларига қўйиладиган асосий техник талаблар белгиланган. Хусусан, тўрларнинг ўлчамлари, мустаҳкамлиги, фойдаланиладиган хомашё ва материалларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, уларнинг сув экотизимларига зарар етказмаслигини таъминлашга қаратилган тегишли меъёрлар назарда тутилган.

Ушбу стандартнинг амалиётга самарали жорий этилиши балиқ овлаш тўрларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаш, улардан фойдаланишда экологик хавфсизликни ошириш ҳамда сув биоресурсларини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Янги миллий стандарт талабларини амалиётга татбиқ этиш, “O‘zMSt 945:2026” мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, балиқчилик соҳаси вакиллари ва тегишли ташкилотларни унда белгиланган талаблар билан таништириш мақсадида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, унинг таркибий тузилмалари ҳамда ҳудудий бошқармалари томонидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш режалаштирилган.



ЖАМИЯТ
2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)





ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА — БАРҚАРОР ЖАМИЯТ

Бугун мамлакатимизда инсон қадри, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш эса, аввало, ҳар бир оила, ҳар бир кўча ва ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратишдан бошланади.

Зеро, маҳалла — халқимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи, инсоннинг кундалик ҳаёти, оилавий муносабатлари, тарбияси, бандлиги ва ижтимоий муҳити шаклланадиган маскандир. Шу боис жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга барвақт барҳам бериш ва аҳоли осойишталигини таъминлашда маҳалла даражасидаги ишлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда.

Бугунги профилактика тизимида муҳим ёндашув шундан иборатки, асосий эътибор жиноят содир этилгандан кейин унинг оқибатларига муносабат билдиришга эмас, балки жиноятга олиб келиши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни олдиндан аниқлашга қаратилмоқда. Бу борада профилактика инспекторига катта масъулият юкланади. Чунки у маҳалладаги криминоген вазиятни, ижтимоий муаммоларни, низоли оилаларни, ишсиз фуқароларни, назоратсиз ёшларни ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни бошқаларга қараганда яқиндан билиши мумкин.

Аммо замонавий профилактика инспектори фақат ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан ишловчи ходим эмас. У ҳудудни таҳлил қилади, хавфли нуқталарни аниқлайди, аҳоли мурожаатларини ўрганади, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлик қилади ва жиноят содир бўлишидан олдин хавф сигналларига муносабат билдиради.

“Хавфсиз маҳалла” тизимидаги энг муҳим янгиликлардан бири – илм-фан ва амалиётнинг яқинлашувидир. 2026 йилда Криминология тадқиқот институтига Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида узоқ вақт давомида “қизил” тоифада бўлиб келган 40 та маҳалла бириктирилди. Бу ҳудудларда илмий-амалий ўрганишлар, аҳоли билан мулоқотлар, жиноят содир бўлаётган нуқталарни аниқлаш ҳамда жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ишлари олиб борилди.

Бу ерда асосий мақсад назорат қилиш эмас. Аксинча, олимлар ва амалиёт ходимлари биргаликда маҳалладаги муаммони аниқлаб, унинг ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Натижалар ҳам эътиборга молик. Ўрганилган маҳаллаларда жиноятчиликнинг барқарорлашуви ва айрим ҳудудларда ижобий динамика кузатилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг “Расадхона”, Пастдарғом туманининг “Қатортерак” ва Самарқанд туманининг “Янгиариқ” маҳаллаларида манзилли чора-тадбирлар самараси сезилди.

Профилактикада “бутун маҳалла” тушунчаси билан чекланиб қолиш ҳар доим ҳам самара бермайди. Чунки бир маҳалланинг ўзида ҳам хавф даражаси турлича бўлган кўчалар, хонадонлар ва объектлар бўлиши мумкин.

Шу сабабли ҳудудни қадам-бақадам ўрганиш, жиноят содир бўлаётган аниқ нуқталарни белгилаш ва профилактика ресурсларини айнан шу жойларга йўналтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўрганилган 63 та маҳаллада 282 та жиноят ўчоғи аниқланган. Шундан 128 таси Самарқанд вилояти, 71 таси Тошкент вилояти ва 83 таси Тошкент шаҳрида қайд этилган. Масалан, муайян кўчада кечки пайтда безорилик ёки талончилик ҳолатлари кўп учраса, айнан шу вақт ва ҳудудда профилактик назоратни кучайтириш, патруль хизматини жалб этиш, видеокузатув ва бошқа техник имкониятлардан фойдаланиш самарали натижа беради.

Демак, гап кўпроқ тадбир ўтказишда эмас, тўғри жойда ва тўғри вақтда тўғри чора кўришда.

Жиноятчиликнинг сабаблари фақат ҳуқуқий омиллар билан боғлиқ эмас. Айрим ҳолларда ишсизлик, оилавий низолар, ижтимоий ҳимояга муҳтожлик, таълимдан узилиш, ёшларнинг назоратсиз қолиши, қарздорлик ва бошқа ижтимоий муаммолар ҳам криминоген хавфни кучайтириши мумкин.

Шунинг учун бугун маҳалладаги профилактика ишларида “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир муаммонинг ечими бир нечта тузилманинг имкониятини талаб қилиши мумкин. Масалан, ишсиз фуқарони иш билан таъминлашда бандлик органи, ёшлар билан ишлашда тегишли тузилма, оилавий муаммоларни ҳал этишда хотин-қизлар тизими, ҳуқуқий хавфларни бартараф этишда эса ички ишлар органлари биргаликда ҳаракат қилади. Шу тариқа профилактика бир идоранинг вазифасидан умумий жамоат ишига айланмоқда.

Жорий йилнинг етти ойида бириктирилган 63 та маҳаллада 6 417 та ижтимоий профилактика объекти бўйича хулосалар берилган. Уларнинг 5 223 таси, яъни 81,3 фоизи бўйича қўшма хулосалар расмийлаштирилган. Бу рақамлар ортида эса оддий статистика эмас, балки инсон тақдири турибди.

Бир оиладаги низонинг олдини олиш, ишсиз инсонни банд қилиш, муаммоли ёшни таълим ёки касбга йўналтириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилага кўмак бериш — буларнинг ҳар бири келажакда содир бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу маънода, профилактиканинг энг катта натижаси баъзан статистикада қайд этилмаган жиноятдир.

Аҳолининг “102” хизматига мурожаатлари ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим маълумот манбаи бўлиши мумкин. Масалан, муайян хонадон ёки объектдан қайта-қайта мурожаатлар келиб тушаётган бўлса, бу ҳудудда хавф омиллари мавжудлигидан далолат бериши мумкин. Шу сабабли юқори хавфга эга объектларни олдиндан аниқлаш ва уларга профилактик эътиборни кучайтириш муҳим.

Замонавий жиноятчиликнинг хусусияти ҳам ўзгармоқда. Айниқса, интернет, телефон ва ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган фирибгарликлар аҳолининг ҳуқуқий ва рақамли саводхонлигини оширишни талаб этмоқда. Криминология тадқиқот институти томонидан ишга киритиш, ўқишга киритиш, автомобиль олди-сотдиси, телефон ва Telegram орқали фирибгарликлар, хорижга ўқишга юбориш билан боғлиқ алдовлар бўйича 10 мингдан ортиқ флаер ва буклетлар тарқатилган.

Бу ҳам профилактиканинг муҳим кўриниши. Чунки фуқарони жиноятдан асрашнинг энг яхши йўлларидан бири — уни хавф ҳақида олдиндан огоҳлантиришдир. Энди профилактика инспектори ёки бошқа масъул ходимнинг фаолиятини фақат ўтказилган тадбирлар, йиғилишлар ёки расмийлаштирилган ҳужжатлар сони билан баҳолаш етарли эмас.

Асосий савол бошқача қўйилиши керак: Маҳаллада хавф камайдими? Жиноятчилик пасайдими? Аҳоли ўзини хавфсиз ҳис қиляптими? Муаммоли оилалар ва ижтимоий профилактика объектлари камайдими? Ана шу кўрсаткичлар профилактика ишларининг ҳақиқий самарасини белгилаши лозим. Шу боис ҳар бир маҳалла бўйича криминологик хавф харитасини шакллантириш, уни мунтазам янгилаш, “102” хизмати, профилактика инспектори, “маҳалла еттилиги” ва бошқа тузилмалар маълумотларини ўзаро интеграциялаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугун “Хавфсиз маҳалла” тушунчаси фақат ички ишлар органларининг вазифаси эмас. Унда маҳалла фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, ижтимоий ҳимоя тизими, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда илмий муассасаларнинг ҳам ўрни бор.

Чунки хавфсизлик – бир идоранинг эмас, бутун жамиятнинг умумий манфаати. Маҳалладаги бир муаммони ўз вақтида ҳал қилиш – бир оилани асраб қолиши мумкин. Бир ёшни тўғри йўлга йўналтириш – унинг бутун келажагини ўзгартириши мумкин. Бир жиноят ўчоғини бартараф этиш – ўнлаб фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаши мумкин. Шу нуқтаи назардан, маҳаллада олиб борилаётган ҳар бир профилактик ишнинг замирида инсон тақдири, оила тинчлиги ва жамият осойишталиги мужассам.

Маҳаллада хавфсизликни таъминлаш борасидаги бугунги ислоҳотлар профилактиканинг мазмунини сифат жиҳатдан ўзгартирмоқда. Энди асосий мақсад фақат содир этилган жиноятга муносабат билдириш эмас, балки жиноятга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни олдиндан кўриш, аниқлаш ва бартараф этишдир. Криминология тадқиқот институтининг маҳаллаларда олиб борган илмий-амалий ишлари ҳам шуни кўрсатмоқда: илм-фан, замонавий таҳлил, рақамли технологиялар, манзилли профилактика ва жамоатчилик ҳамкорлиги бирлашгандагина барқарор натижага эришиш мумкин. Зеро, хавфсиз маҳалла – хавфсиз кўча, хавфсиз кўча – осойишта оила, осойишта оила эса барқарор жамият демакдир.

Алишер АБДУҒАФФОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Криминология тадқиқот
институти марказ бошлиғи,
подполковник


Agrobank
“Agrobank” ATB jamoasi
barcha vatandoshlarimizni
O‘zbekiston Respublikasi
Mustaqilligining
35 yilligi
bilan samimiy
muborakbod etadi.
Yurtimiz tinch,
osmonimiz musaffo,
xalqimiz farovon,
istiqlolimiz abadiy
bo‘lsin!

ЖАМИЯТ

2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



ҚУВОНЧБЕКНИНГ КУРАШ ГИЛАМИДА ТОБЛАНГАН ИРОДАСИ

Сурхондарё ва Қашқадарё – азалдан полвонлар юрти, мардлик ва ғурур бешиги. Абдурашид Мирзаев, остон Чўлиев, Олим Ҳайитов, Санжар полвон каби эл ардоғидаги баҳодирларнинг номи бугун нафақат воҳаликлар тилида, балки элларда достон. Бугун уларнинг издошлари кўпайиб, миллий курашимизнинг овозаси дунё бўйлаб таралмоқда, давлатимиз байроғи жаҳон ареналарида баланд ҳилпирамоқда.

Қаҳрамонимиз кичик сержант Қувончбек Тошбоев ҳам асли сурхон воҳасининг фарзанди. Айни пайтда у Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси катта йўриқчиси лавозимида хизмат қилмоқда. Одатда спортчиларни суҳбатга тортиш бироз мураккаб кечади, аммо Қувончбек билан суҳбатимиз кутилганидан-да мазмунли ва самимий кечди. Унинг ўй-мулоҳазаларида, дунёқарашида чуқур билим ва одамни ром этадиган босиқлик бор эди.

– Сурхондарёда бўлганмисиз? – суҳбатимиз ҳали бошланмай туриб, у менга савол қотди.

Одатда журналист савол бериши керак, аммо бизда акси бўлди. Кутилмаган мурожаат мени бир зумга бир йил олдинги хотираларга қайтарди. “Ҳа!”, дедим, кўз олдимда Қашқадарёдан Сурхонга олиб борувчи тоғли йўллар, воҳанинг салобатли, ҳайбатли Кўҳитоғлари гавдаланиб. Бир зумлик сукут чўкди, у ҳам мен ҳам олис сурхоннинг тоғлари оралаб ҳаёлан парвоз қилгандик. Бир онлик жимликдан сўнг Қувончбек самимий ҳикоясини бошлади:

– Отам ҳам ўз вақтида вилоятимизнинг машҳур полвонларидан бўлган. Тўй-ҳашам, байрам борки, кураш майдонида бўларди. Мен ҳам отамнинг ортидан эргашиб, даврани ҳавас билан кузатардим. Шу тариқа курашга меҳрим тушди. Илк бор 7 ёшимда, Наврўз байрамида катта майдонга тушганман. Мусобақада енгилдим. Кўзимдаги алам кўз ёшини кўрган отам: “Ўғлим, курашда полвон ҳар доим ҳам ғалаба қозонавермайди, мағлубият ҳам курашнинг бир қисми. Асосийси – енгилганингдан сўнг ортга чекинмаслик. Курашда кураш!” дегандилар. Отамнинг шу ўгити ҳали-ҳануз менга дастуриламал бўлиб келамоқда.

Қувончбек ҳали ёш, аммо орзу-мақсадлари ана шу Сурхон тоғлари каби улкан. У – миллий кураш, универсал жанг ва комбат айкидо бўйича спорт устаси. Ўзбекистон чемпионатларида бир неча бор юқори натижаларни қўлга киритган, комбат айкидо бўйича Осиё ва жаҳон чемпионати ғолиби.

– Чемпионларга ҳавас қилиб улғайдик, – дейди у. – “Қачондир мен ҳам дунё аренасида юртим байроғини юксакларга кўтараман!” деган мақсад бор эди, бу йўлда мағлубиятлар аламини тотиб ўтдим. Зафар шоҳсупасига олиб борувчи йўлдаги машаққатлар ўзимга, яқинларимга ва устозларимга аён. Ғалаба онлари айнан ана шу мағлубиятларни енгиб ўтиш ортидан келаркан. Инсон иродаси кураш гиламида тобланаркан.

2020-йилда Самарқанд вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида муддатли ҳарбий хизматни ўтади. Армия унинг ҳаётини тубдан ўзгартирди. Спортчи учун интизом биринчи ўринда туради, ҳарбий хизматда эса бу масъулият икки ҳисса ортади:

– Мусобақаларда “Тошбоев...1-ўрин!” дейилган вақтдаги ҳиссиётни сўз билан таърифлаб бериш қийин. Буни қарангки, армия сафларида ҳам Тошбоевман... (кулади). Спорт ва ҳарбий соҳа бир-бирига ўхшаш, спортда ҳам интизом, доимийлик муҳим. Спортни танлаган инсон бу йўлда Ватан шарафини елкасига ортган бўлади. Ҳарбий соҳада ҳам Ватан йўлида хизмат қилинади. Спорт мени ҳарбийликка етаклади, ҳарбийлик эса яна спортга чорлади.

Қувончбек йўриқчи, шунингдек, тўғарак раҳбари ҳам. Уни талабчан мураббийлардан деб ҳам



эътироф этишади.

– Ўзим ҳам ҳали шогирдман, – дейди камтарлик қилиб. – Университетимизда таҳсил олаётган курсантлар ва муддатли ҳарбий хизматчиларга “Миллий кураш” ва “Дзюдо” бўйича мураббийлик қилиб келаман. Устозлар кўп. Ҳар биридан бир натижа олинади. Устознинг устоздан фарқи шундаки, ҳар бирининг ўз талаблари, тартиб-қоидалари ва ўз принциплари бор. Йиллар ўтиб, устоз Абдурашид полвоннинг шогирдимисан, деган саволни менинг ҳам шогирдларимга берилишини, “Ҳа, бу Қувончбекнинг шогирди-да” дейишларини истайман!

Тажрибали мураббий сифатида у шогирдлари орасидан комбат айкидо бўйича 5 нафар спорт устасини, шунингдек, жанговар самбо, миллий кураш, дзюдо ва универсал жанг бўйича Осиё ва жаҳон чемпионларини тарбиялаб етиштирди.

– Қуролли Куч тузилмалари орасида бўлиб ўтадиган мусобақаларда шундай вазиятлар ҳам бўладики, ҳозирда юртимизнинг турли ҳудудларида ҳарбий хизматни ўтаётган шогирдларим бизга рақиб жамоа номидан қатнашади. Бу менинг устозим деб ютқазиб бериши ҳам мумкин, лекин спортда хоҳлайсизми йўқми, кимдир ютади, кимдир ютқазади. Ҳар бир мусобақа спортчи ҳаётида улкан тажриба вазифасини ўтайди. Инсон ҳаётда ютқазмасин экан. Ютқаздими, у ёки йўқ бўлиб кетади, ёки йиллар қурбонига айланади. То ўзини топиб олгунича, соч оқаради, умр ўтади... буёғи энди ҳаёт фалсафаси...

Қувончбек нафақат спортда ва хизматда, балки оилада ҳам суянчли посбон. Меҳнат ва изланиш билан кечаётган кунларига яқиндагина хонадонида дунёга келган жажжи полвон – Нурмуҳаммад янада файз бағишлади. Қувонарлиси, эру хотин иккиси ҳам илм йўлида: Қувончбек Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия ва спорт университетида таҳсил олаётган бўлса, аёли Ўзбекистон Миллий университетида кимё йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқимоқда. Келажакда кимё соҳасида олима бўлишни мақсад қилган аёли ва Қувончбек, насиб этса, келаси йили биргаликда олий таълимни тамомлаб, диплом эгаси бўлишади.

Суҳбатимиз якунида Қувончбек ўзи меҳр қўйган миллий курашнинг моҳияти ҳақида тўхталиб, шундай деди:

– Биласизми, кураш бизга аждодларимиздан қолган муқаддас мерос. Сурхон ва Зарафшон қоятошларидаги суратлардан тортиб Геродот битикларигача, Амир Темур қўшинининг ҳарбий тайёргарлигидан Паҳлавон Маҳмуд, Мангуберди каби баҳодирларнинг мардлигигача – ҳаммасида кураш томиримизга сингиб кетганини кўрасиз. Кураш шунчаки спорт эмас, унинг замирида ҳалол йўл билан ғалаба қозониш, рақибга ҳурмат ва енгилмас ирода ётади. Мен гиламга чиққанимда ана шу минг йиллик ор-номус ва миллий ғуруримизни ҳимоя қилаётганимни ҳис қиламан.

Спорт нафаси ҳарбийликка етаклаган Қувончбек Тошбоев билан кечган суҳбатимизда кўп мавзуларда суҳбат қурилди. Асосийси унинг орзулари кўп. У ҳарбий спорт йўналишида илм қилмоқчи, шогирдлари билан эса дунё ареналарини забт этишни кўзлаган. Армиямиз сафларида Қувончдек азаматларнинг борлиги бизларни қувонтиради.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА

ЖАМИЯТ
2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАДБИРКОРЛАР ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМДА

Маълумки, 2017 йил 7 январь куни Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев прокуратура органлари ходимлари билан учрашиб, унда “тадбиркор ўзининг бола-чақасидан қийиб, тўплаган пули, мол-мулкини янги иш очишга сарфлайди.



Банкдан кредит олса, уни ҳам фоизи билан ўзи тўлайди. Унга ҳеч ким ҳар 15 кунда бюджетдан аванс ёки ойлик бермайди. Шунга қарамасдан, таваккал қилиб, ҳузур-ҳаловатдан кечиб, бор имконияти ва маблағини хавф-хатарга қўйиб, ўз иши учун кеча-ю кундуз жонини бериб ишлайди. Шу йўл билан нафақат ўз оиласини, балки эл-юртни ҳам боқади. Шу маънода тадбиркор бу ҳақиқий фидоий инсон. Шахсан мен бундай инсонларни, иккитагина иш ўрнини яратган тадбиркорни бошимга кўтаришга тайёрман", – деб таъкидлаган эди.

Шундан сўнг, Президентимиз тадбиркорлар билан “Очиқ мулоқот” қилиш мақсадида учрашувларни ўтказиш анъанага айланди десак муболаға бўлмайди.

Аввало, Давлатимиз раҳбари юртимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга фаол ҳисса қўшаётган 1 миллион 200 минглик бизнес ҳамжамиятини Тадбиркорлар куни билан табриклади.

Қайд этиш жоизки, беш йил олдин тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиш анъанаси бошланганидан буён бизнесга тўсиқ бўлган минглаб масалаларга ечим берилди. Бу борада 84 та қонун, 861 та фармон ва қарор қабул қилинди.

Жорий йилнинг 18 август куни анъана давом эттирилган ҳолда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан навбатдаги VI очиқ мулоқоти ўтказилди.

Мазкур учрашувда 500 нафарга яқин тадбиркор бевосита, илк бор туманлардаги студиялардан яна 25 мингга яқин бизнес вакиллари иштирок этди.

“Очиқ мулоқот” давомида Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик учун барқарор ўсиш траекториясини таъминлаш; ҳудудларда бизнес имкониятларини ошириш; “сунъий интеллект – бошқарув самарадорлиги – янги инвестициялар” экотизимини яратиш; экспорт салоҳиятини ошириш, миллий брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш; бизнесга маъмурий босимни кескин камайтириш йўналишларида муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга кўра, Янги Ўзбекистонда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича салмоқли натижаларга эришиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини намоён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ тадбиркорлар мукофотланди.

Мукофотланганлар қаторида навоийлик тадбиркорларнинг ҳам тақдирланиши инсонга кўтарингки кайфият бағишлайди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвони билан – Бахтиёр Хамраев Навоий шаҳридаги “Гидро станко сервис” масъулияти чекланган жамияти директори, шунингдек “Шуҳрат” медали билан – Моҳичеҳра Норбоева Ғозғон шаҳридаги “Ғозғон чевар қизлари” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари ҳамда Инобат Олимова Хатирчи туманидаги “Султонали Жавоҳир” фермер хўжалиги бошлиғи мукофот билан тақдирланди.

Бу энг аввало, Давлатимиз раҳбари томонидан бугунги кунда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ҳамда уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилаётганидан далолат беради.


Хулоса қилиб айтганда, Бошқарув самарадорлиги агентлиги юртимизда фаолият юритаётган барча тадбиркорларнинг ишларига мувофаққият ва фаолиятига улкан янги-янги зафарлар тилаган ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун доимо ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдиради.

Р. КЕНЖАЕВ,
Бошқарув самарадорлиги агентлиги Навоий вилояти филиали бошлиғи ўринбосари



ЖАМИЯТ

2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



Тарбиядаги парадокс:

БОЛАГА НИМАНИ ЎРГАТЯПМИЗ?

Биз болага табиатни асрашни ўргатмоқчимиз. Аммо мактаб ҳовлисидаги бир парча қоғозни олиб қўйишга уриниб кўрсак, буни «мажбурий меҳнат» деб баҳолашдан қўрқамиз. Болани телефондан асрамоқчимиз. Аммо уй вазифасини телефон орқали берамиз. Биз ота-она билан мактаб ўртасидаги алоқани кучайтириш ҳақида гапирамиз. Аммо шу алоқанинг энг оддий, кўп йиллар давомида ишлаб келган воситаларидан бири — кундалик дафтарни бекор қилганимизни баъзан эсдан чиқарамиз.

Бу қарама-қаршиликлар шунчаки маъмурий камчилик эмас. Бу — тарбия ҳақидаги тасаввурларимизда пайдо бўлаётган жиддий зиддият. Бола эса бундай зиддиятларни жуда тез илғайди. Мактабдаги «шанбалик» деган тушунча атрофидаги баҳсларни тушуниш мумкин. Ўқувчини мажбурлаб, унинг ҳуқуқларини поймол қилиш — тарбия эмас. Болалар меҳнатидан нотўғри фойдаланишни оқлаб бўлмайди. Аммо шу билан бирга бошқа бир ҳақиқатни ҳам тан олишимиз керак: меҳнатдан қўрқиб, тарбияни унутиб бўлмайди. Бола ўзи ўтирган синфхонасига эгалик ҳиссини қандай туяди?! Партаси ифлос бўлса, фаррош тозалайди. Полга қоғоз ташласа, фаррош олади. Дераза токчасини кир қилса, кимдир артиб қўяди. Мактаб ҳовлисидаги ахлат унга тегишли эмас. Унинг вазифаси — ўқиш. Тозалик эса «бошқаларнинг иши». Шундай тарбия олган боладан кейин катта бўлганида жамоат жойини асрашни, кўчага ахлат ташламасликни, жамият мулкига эҳтиётқор муносабатда бўлишни қандай кутишимиз мумкин?

Демак, экология – дарсликдаги мавзугина эмас, балки боланинг ўзидан кейин жойини йиғиштиришидан бошланади. Бунинг учун болани жазолаш, уни эксплуатация қилиш ҳам шарт эмас. Аммо унда масъулият бўлиши шартлиги масаласи турибди. «Сен бу ерда ўқийсан — демак, бу жой сенинг ҳам масъулиятингда», деган оддий тушунча болага сингдирилиши керак. Акс ҳолда биз унга экология ҳақида жуда чиройли гапларни айтамиз-у, амалда эса: «Тозалик — сенинг ишинг эмас», деган сабоқни берамиз.Энг ёмони ҳам шу. Бугун ўқувчини синфини тозалагани учун оммавий танқид қиламиз. Эртага ўша ўқувчига «атроф-муҳитни асранг», деб плакат тутқазамиз. Боланинг эса ичида битта савол туғилади: «Унда қайси гапингизга ишонай?»...

Яна бир парадокс. «Болалар телефонга кўп қараяпти», «Телефонга қарамлик кучаймоқда», «Ўқувчи дарсда телефон ишлатмаслиги керак», деймиз. Тўғри. Лекин шу болага кечқурун: “Уй вазифангизни Telegram гуруҳидан олинг!”, “Файлни телефондан очинг!”, “Видеони кўриб чиқинг!”, “Топшириқни суратга олиб юборинг”,-деб ёзамиз. Хўш, биз телефонга қаршимизми ёки ундан нотўғри фойдаланишга қаршимизми? Назаримда бу иккала тушунчани аралаштирмаслик керак. Бугунги болани рақамли дунёдан ажратиб қўйишнинг иложи йўқ. Лекин уни шу дунёда маданиятли яшашга ўргатиш жуда ҳам муҳим масала.

Балки, телефон ёвузлик эмасдир. Тағин ким билади! Лекин нима бўлганда ҳам бугун телефонни меъёрсиз, мақсадсиз ва назоратсиз ишлатиш — муаммо. Шунинг учун мактабнинг вазифаси фақат «телефонни йиғиб олиш» эмас. У болага технологиядан қачон, нима учун ва қандай фойдаланишни ҳам ўргатиши керак. Ачинарлиси, кўп холларда тақиқлаймиз, лекин тушунтирмаймиз.Чеклаймиз, лекин ўргатмаймиз. Натижада бола қоидага эмас, айланма йўлга ўрганиб қолади.

Энг оғриқли масалалардан бири — мактаб ва ота-она ўртасидаги алоқа. Ҳар бир йиғилишда деярли бир хил гапни эшитамиз: «Ота-оналар мактаб ҳаётида фаол иштирок этмаяпти?!», «Ота-она ва мактаб ўртасида узилиш бор», «Фарзанд таълимига ота-она эътиборини кучайтириш керак»... Албатта, керак. Аммо шу ўринда ўзимизга бир саволни ҳам бериб кўрайлик: биз ўша алоқани кучайтириш учун нима қилдик?

Бир пайтлар мактаб билан оила ўртасида жуда оддий, аммо жуда таъсирчан бир восита бор эди — кундалик дафтар. Кундалик бу оддий дафтар эмас эди. Унда боланинг мактабдаги ҳаёти ота-она уйига кириб борарди. Унда баҳо, уй вазифаси, ўқитувчининг қайди ҳамда жонли мулоқоти, ота-онанинг имзоси бор эди. Энг муҳими — мунтазам мулоқот мавжуд бўлган. Ота-она ҳар куни фарзандининг мактабдаги ҳаётига назар ташларди. Мактаб эса ота-онага «фарзандингиз бугун қандай ўқиди?» деган саволга жавоб бериш имконини берарди.

Албатта, бугун технология бор. Электрон кундаликлар бор. Рақамли платформалар бор. Замон ўзгаргани табиий. Аммо технологиянинг пайдо бўлиши муносабатнинг йўқолишига баҳона бўлмаслиги керак. Электрон тизим ахборотни етказиши мумкин. Лекин у ота-онанинг фарзанди билан суҳбатининг ўрнини босолмайди. Платформа хабар юборади. Аммо боланинг таълим-тарбияси учун масъулият ҳиссини автоматик равишда пайдо қилиб бермайди. Шунинг учун муаммони фақат ота-онадан қидириш адолатдан эмас.Бошқачароқ айтганда баъзан «кўприк бузилди» деб шикоят қиламиз. Аммо ўша кўприкнинг бир томонида ўзимиз турганимизни ҳам унутиб қўямиз.

Болалар бизнинг гапимизни эмас, мантиғимизни ўрганади. Тарбиядаги энг катта хавф — катталарнинг бир-бирига зид сигнал беришидир. «Табиатни асра», деймиз — лекин масъулиятни ҳис қилишга имкон бермаймиз. «Меҳнатни қадрла», деймиз — лекин меҳнатдан фақат жазо сифатида фойдаланишдан қўрқамиз. «Телефондан кам фойдалан», деймиз — лекин таълимнинг бир қисмини телефонга кўчириб қўямиз. «Ота-онанг билан ҳамкор бўл», деймиз — лекин мактаб ва оила ўртасидаги кундалик мулоқотни таъминлайдиган оддий механизмларни етарлича ўйламаймиз.

Агар «телефон зарарли» десак-у, ҳар бир таълимий вазифани унга боғласак — у яна бошқа хулоса чиқаради. Ёки «ота-она ва мактаб ҳамкор бўлиши керак» десак-у, бу ҳамкорликни фақат йиғилишларда эсласак — бола яна бошқа нарсани кўради. Шунинг учун тарбияда ҳар бир қарорнинг ўзига эмас, унинг бола онгида қандай маъно касб этишига қараш вақти келди.

Биз боладан масъулият кутаяпмизми? Унда масъулият беришдан қўрқмайлик. Экологик маданиятни хоҳлаяпмизми? Унда тозаликни ҳаётий одатга айлантирайлик. Биз рақамли маданиятни истаяпмизми? Унда телефонни фақат тақиқлаш эмас, ундан тўғри фойдаланишни ўргатайлик. Ота-онани мактабга яқинлаштирмоқчимизми? Мактаб билан оила ўртасидаги алоқани шиор эмас, ишлайдиган механизмга айлантирайлик. Чунки боланинг бугунги тарбияси, эртанги жамиятнинг қиёфаси эканлигини унутмайлик!

Одилжон МУҲАММАД,
журналист

ЖАМИЯТ
2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)

ТАДБИРКОРНИНГ ЗАМОНИ КЕЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 18 август куни Хива шаҳрида мамлакат тадбиркорлари билан ўтказган очиқ мулоқоти Ўзбекистонда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш ва тадбиркорликни янги босқичга олиб чиқиш борасида муҳим қадам бўлди.



Хива мулоқотида белгилаб берилган вазифалар, айниқса, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва уларнинг бизнесини ривожлантириш учун янги имкониятлар очади. Мамлакатимизда тадбиркор аёллар нафақат оила фаровонлиги, балки янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва ҳудудлар иқтисодий тараққиётида ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг Хивадаги очиқ мулоқотида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббусларини жуда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, янги тадбиркорлар учун “Бизнес старт”, ишлаб чиқаришини йўлга қўйганлар учун “Бизнес лифт”, кейинги ўсиш босқичидаги тадбиркорлар учун “Бизнес юксалиш” дастурларининг жорий этилиши бизнесни қўллаб-қувватлашнинг комплекс тизимини шакллантиради. “Бизнес старт” доирасида сунъий интеллект ёрдамида бизнес-режа ва кредит ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобот юритишни ўргатиш, шунингдек, 200 миллион сўмгача гаровсиз кредит бериш механизмининг йўлга қўйилиши бошловчи тадбиркорлар учун айниқса аҳамиятлидир.

Мазкур имкониятлардан хотин-қизларнинг самарали фойдаланиши учун уларга нафақат молиявий ресурс, балки билим, кўникма, менторлик ва бозорга чиқиш бўйича амалий кўмак ҳам зарур. Биз доимо шу фикрни илгари суриб келамиз: аёлга кредит беришнинг ўзи етарли эмас. Унга бизнесни қандай бошлаш, маҳсулот таннархини ҳисоблаш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, маркетинг ва экспортни йўлга қўйишни ҳам ўргатиш керак. Шу маънода, тадбиркорликни бошлашдан тортиб уни йирик бизнесга айлантиришгача бўлган яхлит экотизим яратилиши жуда муҳим.

Янги ташаббуслар орасида кичик бизнес учун кредит олишда гаров талабларини енгиллаштиришга қаратилган “контр-кафолат” тизими ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу имкониятлар, айниқса, катта молиявий кафолатга эга бўлмаган, аммо истиқболли бизнес ғояси ва бозор салоҳияти бор бўлган хотин-қизлар учун янги имкониятлар яратади.

Мулоқотдан келиб чиққан ҳолда “Тадбиркор аёл” ассоциацияси аёллар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқиш, уларнинг электрон тижорат ва халқаро маркетплейслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни муҳим вазифалардан бири сифатида кўрмоқда.

Энди асосий вазифа яратилган имкониятларни амалиётга самарали татбиқ этиш, айниқса, ҳудудлардаги хотин-қизларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Хива мулоқоти биз, тадбиркорлар учун нафақат янги имтиёз ва имкониятлар, балки катта масъулият ҳам юклайди.


Бу жараёнда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг молиявий ва рақамли имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳар бир ҳудудда аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш “Янги Ўзбекистон”нинг иқтисодий тараққиёт мақсадларига хизмат қилади.

Хивадаги мулоқотда айтилганидек, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, янги юқори даромадли иш ўринлари яратиш ва экспортни кўпайтириш учун тадбиркорлар янги ғоялар, технологиялар, маҳсулотлар ва бозорларни ўзлаштириши зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон тадбиркор аёлларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор ва бундан кейин ҳам уларнинг салоҳиятини кенгайтириш, бизнесларини янги босқичга олиб чиқиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқаришга сунъий интеллектни жорий қилиш, янги иш ўринлари яратиш, хотин – қизларнинг жамият ва оиладаги статусларини ошириш бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Гулнора МАҲМУДОВА,
“Тадбиркор аёл” халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси

ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ УЯТИ БОРМИ?



Ҳовлидаги йўлакни бетонлаш учун ишчи керак бўлиб, мардикор бозорига бордим. У ерда устачилик қилиб юрадиган таниш икки кишига кўзим тушди. Олдига бориб, саломлашдим ва иш таклиф қилдим.

Улардан бири розидек бўлди. Аммо ёнидаги шериги унга қандайдир имо-ишора қиларди. Аввалига нарх маъқул келмаган бўлса керак, деб ўйладим ва:

– Майли, сиз айтган ҳаққа ҳам розиман, – дедим.

– Кетдик, – деди шериги.

Лекин у паст овозда:

– Танишларникида ишлашга уяламан, – деди.

– Нега уяласиз, ака? Тўрт мучаси соғ бўла туриб тиланчилик қилаётганлар уялсин. Ҳалол меҳнат қилиб, пешона тери билан ризқ топишнинг нимаси уят? – дедим.

У эса жимгина тескари ўгирилди...

Нега баъзи инсонлар учун бундай ҳолат айбдек қабул қилинади? Ўйлашимча, бу жамиятимизнинг айрим қарашларини кўрсатадиган оғриқли масала. Бу ерда гап бир кишининг танловида эмас, балки онгимизда йиллар давомида шаклланган қарашларда.

Бизда «одамлар нима дейди?» деган савол кўпинча «мен учун тўғриси нима?» деган саволдан устун келади. Натижада айримлар ҳалол меҳнат билан топиладиган ризқдан эмас, бошқаларнинг нигоҳидан чўчийди. Гўё белкурак ушлаш обрўни туширади, оғир меҳнат эса инсоннинг қадрини камайтиради.

Болаликдан «яхши ўқи, бўлмаса мардикор бўласан», деган гапни эшитиб катта бўлган авлод учун устачилик касб эмас. Тўғри, иши оғир, лекин ҳар қандай бинога пойдевор қўяётган ҳам, йўл қураётган ҳам, уй барпо этаётган ҳам шулар-ку.

Яна бир жиҳат бор. Одамлар аксарият ҳолларда инсоннинг меҳнатига эмас, ташқи кўринишига кўпроқ баҳо беришга ўрганиб қолган. Қимматбаҳо кийимда юрган одамни муваффақиятли деб қабул қиламиз, аммо чангга беланиб меҳнат қилаётган инсоннинг қандай машаққат, қандай масъулият билан яшаётганини кўпинча ўйламаймиз. Ҳолбуки, кийим инсоннинг эмас, меҳнат унинг ҳақиқий қиёфасини намоён қилади.

Энг ачинарлиси, бу қараш ёшларга ҳам ўтаётганидир. Айрим ёшлар ойлаб иш қидиришга тайёр, аммо вақтинча бўлса ҳам жисмоний меҳнат қилишни ёки кичикроқ ишни ўзига муносиб кўрмайди. Бу меҳнат бозорида эмас, тарбия ва қадриятлардаги бўшлиқни кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда вазият бошқача. У ерда сантехник, қурувчи, электрчи ёки боғбон ўз касбидан уялмайди. Чунки жамият уларни бажараётган ишига қараб қадрлайди.

Меҳнатнинг «катта-кичиги» эмас, унинг ҳалоллиги муҳим. Шундай экан, ўзгариши керак бўлган жиҳат “мардикор” эмас, унга бўлган муносабатдир. Агар биз ҳалол меҳнатни ҳақорат эмас, қадрият сифатида қабул қилмас эканмиз, эртанги авлод ҳам худди шу стереотиплар қуршовида яшайди. Инсоннинг қадри унинг қайси ишни қилаётганида эмас, уни қандай виждон билан бажараётганида намоён бўлади.

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ

ЖАМИЯТ
2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



УЛУҒЛАР МЕРОСИ — ДОИМО ЭЪЗОЗДА

Барчамизга маълумки, совет даврида миллий тарихимиз, хусусан, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг ҳаёти, илмий-маънавий мероси, уларнинг жаҳон илм-фани ва ислом цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси кўп ҳолларда бирёқлама ва нохолис талқин этилди. Бироқ мустақиллик шарофати билан бу муносабат тубдан ўзгариб, аждодларимизнинг илмий меросини холисона ўрганиш, тиклаш, халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига етказиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонда буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, моддий-маданий меросимиз билан боғлиқ кўплаб ҳақиқатлар қайта кашф этилди. Тарихий меросимизда кенг ёритилган илмга ҳарислик, инсонпарварлик, адолат, бағрикенглик, мўътадиллик, ахлоқ ва маърифат ғоялари мамлакатимизда илгари сурилаётган инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликлар, очиқлик, қонун устуворлиги, илм-фан ва таълим тараққиёти каби тамойиллар билан уйғунлашди.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур Марказ ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Баҳоуддин Нақшбанд номларидаги илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда буюк алломаларимизнинг бой илмий-маърифий меросини тизимли ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб этишга хизмат қилаётган муҳим илмий-маърифий платформага айланди.

Айни пайтда “Учинчи Ренессанс чорраҳаси” лойиҳаси доирасида мазкур илмий-тадқиқот марказлари ҳамкорлигида Ислом цивилизацияси марказида кенг кўламли маърифий тадбирлар йўлга қўйилган. Хусусан, Марказ музейи, кутубхонаси ва иккинчи қаватида жойлашган ўқув хоналарида олий таълим муассасалари талабалари, имом-хатиблар ва ноиблар, отинойилар, шунингдек, турли ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари учун семинар-тренинглар, ҳужжатли фильмлар намойиши, очиқ мулоқотлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Ушбу тадбирларда юртимиз ҳудудида қадимдан шаклланган бой илмий-маънавий муҳит, буюк аждодларимизнинг жаҳон илм-фани ва ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси, уларнинг илмий меросининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида маълумотлар берилади.

Мустақиллик бизга берган энг улуғ неъматлардан бири – бу буюк мутакаллим олим, мотуридийлик таълимоти асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг номи, илмий мероси ва диний-фалсафий қарашларини қайта кашф этиш, холисона ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш имкониятининг яратилганидир. Бугун Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан алломанинг ҳаёти ва илмий меросини чуқур тадқиқ этиш, асарларини илмий муомалага киритиш ва жамоатчиликка етказиш юзасидан тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Имом Мотуридий қаламига мансуб “Китоб ат-тавҳид” ва “Таъвилот ал-Қуръон” асарларининг тўлиқ ўзбек тилига таржима қилингани бу борадаги муҳим қадамлардан биридир. Айниқса, “Китоб ат-тавҳид” асарининг Буюк Британиядаги Кембриж университети кутубхонасида сақланаётган ягона қўлёзмаси асосида тайёрланган танқидий матнининг Иорданиядаги “Мактаба ал-ғоним” нашриётида чоп этилгани алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур нашрнинг Қоҳира, Доха, Истанбул ва Кувайт сингари шаҳарларда ўтказилган нуфузли халқаро китоб ярмаркаларида намойиш этилгани эса Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг халқаро илмий ва маърифий майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, юртимиз заминидан етишиб чиққан яна бир буюк аллома, мотуридийлик таълимотининг йирик намояндаларидан бири Абул Ҳусайн Пешағарий қаламига мансуб “Исмат ал-анбиё” асарининг ҳам мамлакатимизда сақланаётган дунёдаги ягона қўлёзма нусхаси асосида танқидий матни тайёрланиб нашр этилди. Бундай нашрлар нафақат аждодларимизнинг илмий меросини қайта жонлантириш ва оммалаштиришга, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги илмий-маърифий нуфузининг янада ортишига ҳам хизмат қилади.

Марказ томонидан алломанинг меросини жамоатчиликка етказишда замонавий ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация воситаларидан ҳам самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Имом Мотуридийнинг бугунги кун учун ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-маърифий ва фалсафий қарашлари, пурмаъно ҳикматлари асосида инфографика, видеоролик ва бошқа медиа материаллар тайёрланиб, “Мотуридий ҳикматлари” рукни остида ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб этилмоқда.

Энг муҳими, бугун Имом Мотуридий меросининг халқимизга етказилиши унинг инсонпарварлик, бағрикенглик, мўътадиллик, ақл ва маърифатга таянган ғояларини жамият ҳаётига татбиқ этиш учун ҳам муҳим маънавий асос вазифасини ўтамоқда.

Имом Мотуридийнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш жараёнида унинг қарашларини фақат тарихий манба сифатида эмас, балки бугунги глобаллашув шароитида юзага келаётган маънавий-маърифий масалаларга жавоб бера оладиган муҳим илмий ва маънавий манба сифатида тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, алломанинг ақл ва нақл уйғунлиги, инсоннинг билиш ва фикрлаш қобилиятига юксак баҳо бериши, диний масалаларда мўътадиллик ва бағрикенгликни устувор тамойил сифатида илгари суриши бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Айниқса, ахборот оқими ниҳоятда жадаллашган, турли ғоя ва қарашлар кенг тарқалаётган бугунги даврда ёшларни соғлом эътиқод, теран тафаккур ва мустаҳкам маънавий иммунитет руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада аждодларимиз қолдирган илмий-маърифий мерос, хусусан, Имом Мотуридийнинг инсон ақли, иродаси, масъулияти ва маънавий камолотига доир қарашлари муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Марказнинг халқаро илмий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хорижий илмий-тадқиқот муассасалари, университетлар, кутубхоналар ва қўлёзмалар марказлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, ноёб қўлёзмаларни аниқлаш, уларнинг электрон нусхаларини ўрганиш, илмий-тадқиқот натижаларини халқаро илмий нашрларда эълон қилиш каби ишлар алломаларимиз меросини жаҳон илмий ҳамжамиятига кенгроқ танитишга хизмат қилмоқда. Хусусан, хорижлик тадқиқотчилар ўртасида Имом Мотуридий мероси бўйича халқаро танловлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда, Имом Мотуридий номидаги халқаро стипендия совриндорларининг юртимизга ташрифлари амалга оширилмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг инсон қадрини улуғлаш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга қаратилгани аждодларимиз меросини ўрганиш учун ҳам янги имкониятларни юзага келтирмоқда. Бу жараёнда тарихий хотира ва замонавий тараққиёт ўртасидаги узвийликни таъминлаш, миллий ўзликни англаш туйғусини кучайтириш ва жаҳон цивилизациясида халқимизнинг муносиб ўрнини янада кенг намоён этиш муҳим аҳамиятга эга.

Имом Мотуридий ва юртимиздан етишиб чиққан бошқа буюк алломаларнинг илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг асарларини таржима ва нашр этиш, илмий муомалага киритиш, замонавий ахборот технологиялари орқали кенг тарғиб қилиш ҳамда халқаро илмий ҳамжамиятга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий маънавий меросимизни тиклаш ва уни келгуси авлодларга етказишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.


Азиз ТОЖИЕВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Нашрлар бўлими бошлиғи

ЖАМИЯТ
2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



ТАБИАТНИ “ЭШИТИШ” ИМКОНИНИ БЕРГАН ПЕРФОРМАНС ТОШКЕНТДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Карлос Касас — кино, визуал санъат, товуш ва экологик тадқиқотлар чорраҳасида ижод қилувчи рассом ва режиссёр.



У ўз ижодида ландшафтлар, экотизимлар ва уларда юз бераётган ўзгаришларга мурожаат қилиб, ҳужжатли материаллар, дала ёзувлари ва турли аудиовизуал шакллардан фойдаланади. Ижодкор кўп йиллар давомида табиий ва антропоген ўзгаришлар содир бўлаётган ҳудудларни бевосита ўрганиб келмоқда. Касас тўплаган материалларни бадиий лойиҳаларга айлантириш орқали инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни янгича англаш имконини яратади. Карлос Касаснинг ижодий фаолияти санъат, кино, овоз ва атроф-муҳит тадқиқотларини ўзида мужассам этади.


Тошкентда рассом ва режиссёр Карлос Касаснинг жонли аудиовизуал перформанси намойиш этилди. Тадбир Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг “Green University” ҳузуридаги “ARTepa” галереясида бўлиб ўтди. Перформанс асосини рассом сўнгги 25 йил давомида дунёнинг турли ҳудудларида тўплаб келаётган “Дала тадқиқотлари” (“Fieldworks”) архиви материаллари ташкил этди. Чиқиш давомида рассом тасвирлар, дала ёзувлари ва атроф-муҳит товушларини реал вақт режимида бирлаштириб, уларни доимий равишда ўзгариб турувчи аудиовизуал композицияга айлантирди.

“Дала тадқиқотлари” лойиҳаси инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларга бағишланган. Унда ландшафтлар ва экотизимларда юз бераётган ўзгаришлар тадқиқ этилади. Чўлланиш, иқлим ўзгариши, биологик турларнинг йўқолиши ва табиий ҳудудларнинг трансформацияси лойиҳанинг асосий мавзуларидан ҳисобланади.

Перформанснинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда ландшафт фақат визуал образ сифатида эмас, балки товуш, тасвир, хотира ва бевосита иштирок орқали идрок этиладиган тирик тизим сифатида намоён бўлди. Турли географик ва экологик шароитларда тўпланган материаллар ягона маконда бирлаштирилиб, атроф-муҳитнинг ўзига хос ҳиссий харитасини шакллантирди. Шу тариқа, санъат экологик жараёнларни англаш воситасига айланиб, табиатда юз бераётган ўзгаришларга янгича нигоҳ билан қараш имконини берди. Аудиовизуал формат эса томошабинга нафақат ландшафтларни кузатиш, балки уларни тинглаш, динамикаси ва нозик жиҳатларини ҳис қилиш имконини яратди.

Тадбир “Green University” ҳузуридаги “ARTepa” галереяси ва “Art Station” томонидан DAVRA тадқиқот гуруҳи билан ҳамкорликда ташкил этилди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг (SDC) “Central Asia Art and Culture Programme” (CAACP) дастури ҳамда “Art Station: сўз эркинлиги, ижодий санъат, инклюзив мулоқот ва жамият тараққиёти чорраҳаси” лойиҳаси кўмагида амалга оширилди.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА,
ЎзА.



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-810
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 4 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЖАМИЯТ

2026 йил 27 август № 31-32-33 (1000)



МАЪРИФАТНИНГ МУНАВВАР МАНЗИЛИ

Инсон баъзида кундалик югур-югурлар, турмушнинг майда-чуйда ташвишлари билан бўлиб, атрофидаги буюк ўзгаришларни, кўз олдида бўй кўтараётган монументал ҳодисаларни пайқамай қолиши мумкин. Аммо шундай муҳташам остоналар бўладики, ундан хатлаб ўтишингиз билан ички дунёнгиз ларзага келади.

Тошкентнинг қоқ марказида, кўҳна манзилларни эслатиб турувчи масканда бўй кўрсатган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ана шундай, қалбни титратадиган, томирлардаги қонни жунбушга келтирадиган муаззам кошонадир.

Бу шунчаки гигант бино ёки навбатдаги меъморчилик намунаси эмас. Бу — аслида асрлар давомида қумга кўмилишга маҳкум этилган, аммо томири соғлом бўлгани учун яна қайта куртак очган улкан маънавий дарахтнинг мевасидир.

Ҳар қандай буюк ижод ёки бунёдкорлик ортида, энг аввало, холис ният ва юксак ирода туради. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус — шунчаки тарихий бино қуриш эмас, балки миллатнинг ўзлигини, боболаримиз қолдирган бебаҳо меросни ўзига қайтариб беришга бўлган шижоатли қадам бўлди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида муҳташам бинолар қурилади. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам «жону дил» бўлавермайди. Ислом цивилизацияси марказининг ўзига хослиги шундаки, унинг тамал таши қўйилаётгандаёқ нега ва ким учун қурилаётгани аниқ эди:

- Мозий ва келажак кўприги: Бу марказ аавлодларни ўтмиш ва келажак билан боғлайдиган маънавий кўприкка айланиши кўзда тутилган.
- Ислом маърифати байроғи: Ислом динининг асл моҳияти — тинчлик, бағрикенглик, илм-фан ва инсонпарварлик эканини бутун дунёга бот-бот эслатиб туриш.
- Ренессанс пойдевори: Биринчи ва Иккинчи Ренессансга бешик бўлган бу муқаддас заминда Учинчи Ренессанснинг амалий майдонини яратиш.



Бу ташаббуснинг ортида чуқур самимият, миллатнинг ўтмишига бўлган юксак эҳтиром ва келажак авлод олдидаги катта масъулият ётибди.

Бинога яқинлашар экансиз, шарқона нақкошчилик, миллий меъморчилик мактаби ва замонавий муҳандисликнинг бетакрор уйғунлигига гувоҳ бўласиз. Улкан гумбаз остига қадам қўйганингизда, кишида эзгу бир сукут пайдо бўлади. Бу ерда ҳар бир ғишт, ҳар бир нақш ва ранг ўз тилида сўзлайди.

Бу мажмуанинг марказида туриб, аждодларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини кўрганингизда, юрагингизни бир ҳис чулғаб олади: «Биз шундай инсонларнинг ворисларимиз!»

Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек... Бу номлар шунчаки тарих саҳифаларидаги қуруқ сатрлар эмас, улар инсоният тараққиётига чироқ ёққан даҳолардир. Марказ ушбу сиймоларнинг илмий меросини бир жойга жамлаб, уларни нафақат асраш, балки янги авлодга, дунё ҳамжамиятига содда ва таъсирчан усулда етказиш миссиясини ўз зиммасига олган.

Бугунги таҳликали дунёда, афсуски, ислом дини ҳақида турли нотўғри қарашлар, янглиш талқинлар пайдо бўлаётган бир пайтда, мазкур марказнинг дунёдаги ўрни беқиёсдир. Бу марказ шунчаки Ўзбекистонники эмас, у бутун башариятнинг маънавий мулкига айланишга муносиб.

Дунёнинг турли чеккаларидан келган олимлар, сайёҳлар ва ёшлар бу ерда чинакам маърифат билан тўқнаш келадилар. Бу — Ўзбекистоннинг глобал дунёда тинчлик ва маърифат томонида эканини яққол кўрсатувчи очиқ таклифномадир.

Яқинда бу ерга оилавий бордик. Фарзандларимизнинг ҳайрат тўла кўзлари, самимий суҳбатлар ва кўҳна тарих кошонасида баҳам кўрилган қувончли лаҳзалар юрагимизда ўчмас из қолдирди. Аждодлар меросини томоша қилиш, ҳар бир экспонат ва қўлёзма қаршисида тўхтаб, ўтмиш ва келажак ҳақида дилдан мулоқот бизга ўзгача илиқлик ва файз бағишлади. Ўша кунги қувонч, самимий гурунглар ва фарзандларимизнинг қалбида уйғонган фахр туйғуси хотирамизга абадий муҳрланди.

Агар биз бу муҳташам кошонага шунчаки сайр қилиш, томоша қилиш учун келадиган бўлсак, ниятимиз чала бўлиб қолади. Бу марказнинг ҳар бир бурчаги бизга эслатма беради: «Сен кимнинг авлодисан? СЕНИНГ ҳам зиммангда масъулият бор!»

Президент томонидан қўйилган бу жасоратли қадам — аждодлар руҳи олдидаги бурчни узиш ва авлодлар олдидаги вазифани бажаришнинг энг гўзал намунасидир. Ушбу марказ шунчаки бино бўлиб қолмайди; у одамларнинг қалбида маърифат чироғини ёқади, ёшларда билимга, бунёдкорликка ва Ватанга бўлган муҳаббатни алангалатади.

Кўнгилдан бир тилак ўтади: Ислом цивилизацияси марказидан танимаган-билмаган эмас, балки дунёни эзгулик билан забт этадиган янги Берунийлар, янги Ибн Синолар ва Хоразмийлар етишиб чиқсин. Бу маскан асрлар давомида халқимизнинг шаъни, мағрурлиги ва маънавий маёғи бўлиб хизмат қилаверсин.

Зеро, маърифат нури ҳеч қачон ўчмайди — у фақат янги майдонларда, қалбларда қайта-қайта аланга олади!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ